

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING  
QARORI

**7** Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги «Volajon» болалар рақамли телеканални ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 30 майдаги ПҚ–1976-сон қарори)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг «Yoshlar» телерадиоканали» ёпиқ акциядорлик жамияти ҳузуридаги «Volajon» болалар рақамли телеканални ташкил этиш тўғрисида» 2013 йил 30 майдаги ПҚ–1976-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

2. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.И. Икрамов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Бош вазири**

**Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент ш.,  
2013 йил 30 декабрь,  
349-сон

Вазирлар Маҳкамасининг  
2013 йил 30 декабрдаги 349-сон қарорига  
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига  
киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясини 2006 йил учун Давлат бюджетидан молиялаштириш хажмларини тасдиқлаш тўғрисида» 2005 йил 30 декабрдаги 287-сон қарорига 2-илованинг матни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

## «Ўзбекистон МТРК марказий аппарати ва ташкилотларини, шунингдек унинг ҳудудий бўлинмаларини бюджетдан молиялаштириш СХЕМАСИ



Изоҳ: \* Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 6 июлдаги 331-сон ва 2002 йил 21 ноябрдаги 362-66-сон қарорларига мувофиқ.

1. Телерадиоканаллар бўйича харажатлар миқдори телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар ҳажмидан, «O'zbektelefilm» ДУК бўйича — ишлаб чиқарилган киномаҳсулотлар ҳажмидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.
2. Телерадиоканалларнинг бюджетдан ташқари даромадлари хизматлар буюртмачилари билан тузилган тўғридан-тўғри шартномалар асосида уларнинг ҳисоб рақамларига тушади.

**1 (605)-сон**

**— 65 —**

**7-8-моддалар**

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг рақамли телеканаллари сонини кенгайтириш, улардан тўлиқ форматда фойдаланиш, сифатли тўлдириш ва хизмат кўрсатиш тўғрисида» 2012 йил 30 июлдаги ПҚ–1794-сон қарори) 2012 йил 22 октябрдаги 301-сон қарорининг 1-банди ва қарорга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.